# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 17 август, № 160 (5834) Шанба





Наманган вилояти:

## БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ОДИМЛАРИ



*Биз мустақилликнинг қадр-қиммати, аҳамиятини босиб ўтилган йиллар билан эмас, балки мана шу даврда қилинган амалий ишлар салмоғи орқали теран ҳис этамиз. Истиқлол туфайли азалий одатларимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз қайта тикланди. Аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, муқаддас қадамжолар обод қилинди. Энг муҳими, одамларимизнинг турмушига мазмун кирди, дунёқараши, онгу тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгарди. Яратувчанлик, бунёдкорлик тушунчалари уларнинг қалб амрига айланди.*

*Таъкидлаш жоизки, янгиланишлар жараёни бутун мамлакатимиз бўйлаб қизғин давом этаётир. Жумладан, бугун Наманганда бўлган киши кенг ва равон кўчалар, миллий ҳамда замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлаштирилиб барпо қилинган муҳташам иншоотлар, гулзору хиёбонлар тимсолида бу гўзал замин янада чирой очганини яққол ҳис этади. Вилоятнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, шу асосда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бераётганига гувоҳ бўлади. Бошқача айтганда, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!” деган эзгу шиорнинг амалий ифодаларини кўради.*





### Рўёбга чиққан орзулар

Халқимизнинг ўзига хос фазилати бор: азалдан топганини, аввало, уй қуришга сарфлайди. Ўғлини уйлантирса, уни қаерга жойлаш ҳақида қайғуради. Болаларимизнинг эртасини, келажагини ўйлаймиз-да. Бу жуда яхши. Лекин бир пайтлар ана шундай эзгу ниятларнинг рўёбга чиқиши учун дилдаги хоҳиш-истакнинг ўзи камлик қиларди. Масалан, битта иморатни тиклаш жараёни қандай қийин кечганини ёши катталар яхши эслашади. Материал топсангиз, уста йўқ, уста топсангиз, материал етишмасди. Кимнингдир эшигида сарғайиб, цемент, тахта ёки шифер ундириш учун ялиниб-ёлворишларчи?! Очиғи, ҳали қурилиш бошланмасдан туриб одамнинг тинкаси қуриб бўларди. Хўп, бир амаллаб ҳаммасини тахт қилдингиз ҳам дейлик. Кейин устани боқиш, унинг меҳнат ҳақини бериш... Хуллас, ташвиш устига ташвиш эди. Шунинг учун бўлса керак, жуда кўп тураржойлар имконият етганича тикланарди. Аммо, нари борса, беш-ўн йил деганда пойдевори чўкиб, абгор аҳволга келиб қоларди.

Энди қишлоқлардаги манзарани бир тасаввур қилиб кўринг. Ўша даврларда “Қишлоққа бўлавериди” қабилидаги нотўғри тушунча шаклланганди. Натижада чекка ҳудудларга унча эътибор қаратилмас, одамлар “Бўлганимиз шу экан-да”, деб пахсадан иморат кўтаришдан бошқа чора топа олишмасди.

Йиллар ўтди, замон ўзгарди. Истиқлол шарофати, Президентимизнинг оқилона сиёсатлари туфайли қишлоқларга алоҳида аҳамият қаратила бошланди. Юртбошимиз Наманганда бўлганларида айнан уй-жой қурилиши масаласига тўхталиб, “Шундай уй қуриш кераккки, у етти пуштинггача етсин. Авлодларинг ота-боболарим мустаҳкам уй қурган экан деб, сени эслаб юрсин”, дея таъкидлаган эдилар. Бу гаплар қишлоқ одамларининг руҳини, қаддини кўтарди, эзгу ишларига қанот бағишлади.

(Давоми 2-бетда).

## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Навоий шаҳрида аграр тармоқда кенг фойдаланиладиган фосфорит уни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

### Инновацион ғоя — амалиётга

Ушбу лойиҳа “Nationwide Technologies Limited” (Буюк Британия) компаниясининг 1,5 миллион АҚШ долларилик сармояси асосида ташкил қилинган “Навоий Миллинг” чет эл корхонаси томонидан рўёбга чиқарилди. Эътиборли жиҳати, тайёрланаётган маҳсулот тўлиқ экспортга чиқарилади. Жорий йилнинг биргина июнь ойида 96,7 минг доллар миқдорида фосфорит уни хорижга сотилди. Йил якунига қадар бу кўрсаткични 1,7 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

— Корхонамизда ҳозир 100 нафардан зиёд маҳаллий мутахассис меҳнат қилаяпти, — дейди корхона директори Владимир Ганенко. — Тўлиқ қувватга эришилгач, ишчи-ходимлар сони икки баробарга ортади.

Эътиборлиси, фосфорит унини бойитиш технологияси маҳаллий мутахассисларнинг инновацион ғояси асосида яратилган бўлиб, замон талабларига тўла жавоб беради.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Шоҳимардон қишлоғилик фермер Низомиддин Бакиров банк томонидан ажратилган 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига тикувчилик цехини ташкил этди.*

### Фермернинг тикувчилик цехи

Ҳозир 12 нафар қишлоқ чеварини ўз бағрига олган мазкур “Шоҳимардон шамс зиё” хусусий корхонасида мактаб ўқувчилари учун махсус кийим-кечаклар тикилаяпти.

Яқин истиқболда фермер Германиядан нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган илғор ускуналарни олиб келиб, ишга тушириш ҳаракатида. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқиши билан 10 га яқин қўшимча иш ўрни яратилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Нуробод туманида банкнинг молиявий кўмаги асосида деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхона ишга туширилди.*

### Банк кўмак берди

Лойиҳанинг биринчи босқичида 22 киши иш билан таъминланди. Айни пайтда улар томонидан кунига бир миллион 200 мингтагача пишиқ ғишт тайёрланаяпти.

— Маҳсулотларимиз туманимиздаги намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилишига етказиб берилаётир, — дейди тадбиркор, “Шоҳинур Меҳр” корхонаси раҳбари Илҳом Раҳмонов. — Хорижнинг илғор технологиялари эса маҳсулот сифатига кафолат бўлмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Ғиждувон туманидаги “Фозилбек Файз Барака” хусусий корхонаси 63-сонли мактаб-интернат учун замонавий русумдаги мебель жиҳозлари тайёрлади.*

### Дастлабки буюртма

Бу тумандаги кенжа корхонага берилган дастлабки буюртма бўлди.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона мутасаддиларидан бири Фахриддин Асадов. — Бизнес лойиҳамиз банк томонидан қўллаб-қувватланди. Бизга ажратилган 75 миллион сўмлик кредитга хориждан замонавий, иш унумдорлиги юқори бўлган дастгоҳлар харид қилдик. Туман ҳокимлиги эса корхонамиз учун ер майдони ажратди. Айни пайтда 17 турдаги мебель маҳсулотлари тайёрлаб, буюртмачиларга етказаяпмиз. Истиқболда фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

*Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатимиз фуқаролари истиқлол йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни қандай баҳолашини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўров ўтказди.*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ 22 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудида яшайдиган фуқаролар, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигини кўтаринки кайфият, ўз Ватанидан ифтихор туйғуси билан қарши олмоқда. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти (90 фоиздан ортиғи) “истиқлол йилларида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида улкан натижаларга эришилди”, “мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган”, “Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди” ва “Ўзбекистон жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади” деб ҳисоблайди.

Улар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш, оддий одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилганига қатъий ишонади. Сўров иштирокчиларининг фикрича, барча соҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифати муттасил ошиб бораётганининг асосини айнан ушбу ўзгаришлар ташкил қилади ва бу келгуси ислоҳотлар самарадорлигини кафолатлайди.

(Давоми 3-бетда).

**Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси олдидан**

## Мақсад — аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш

*Одам иммунитет танқислиги инфекцияси бугунги кунда кишилик жамиятининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. БМТ маълумотларига кўра, ҳозир дунё миқёсида 34 миллион киши ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинган.*

БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил ОИВ бўйича бўлиб ўтган мажлисида ҳам инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш ОИТС юқумли касаллигига қарши курашиш бўйича глобал чора-тадбирларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги, шу боис мазкур юқумли хасталикка қарши курашишга умумжаҳон миқёсида эътибор қаратилиши кераклиги қайд этилган.

Мамлакатимизда ОИВ инфекциясининг олдини олиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, унинг кескин тарқалишига барҳам беришда муҳим омил бўлаяпти.

Амалдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бундан 14 йил муқаддам қабул қилинган. Ўтган йиллар давомида мазкур хасталикни даволашга, инфекция тарқалишига қарши курашни ташкил қилиш тизимига бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга соладиган амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурати юзага келди.

(Давоми 2-бетда).

## Акциядорлар ҳуқуқлари ва қонунчилик

*Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мустақилликнинг илк йилларидан бошланган жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.*

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Хусусан, Президентимиз томонидан бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг мустаҳкам ва ишончли қонунчилик базасини шакллантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Зотан, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилиги уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқишни талаб қилаётганди. Ўтган йиллар давомида амалга оширилган улкан ишларни эътироф этган ҳолда, шуни тан олиш керакки, мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган. Аммо улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланмоқда, деган савол туғилиши табиий. Уларнинг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритишлари учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур?

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун танқидий қайта кўрилиб, янги таҳрирда ишлаб чиқилди ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Янги қонун лойиҳасида корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги янада аниқ белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

## Тест натижалари эълон қилинди

*Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул бўйича Давлат комиссияси мамлакатимиз олий ўқув юртларида бўлиб ўтган қабул имтиҳонлари натижаларини тасдиқлади.*

ТАЪЛИМ

Қайд этиш жоизки, Президентимизнинг шу йил 11 июндаги “2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий ўқув йилида олий таълимнинг бакалавриат йўналиши учун 56 607 ўрин ажратилган бўлиб, шундан 19 120 нафар абитуриент давлат гранти, 37 487 нафари эса тўлов-контракт асосида таҳсил олиши белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

# Акциядорлар ҳуқуқлари ва қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, унда акциядорлик жамиятлари Кузатувчи кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниянинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ нормалар акс этди.

Қайд этиш керакки, қонунчилик ташаббусининг янги таомилларига кўра, асосий қонун лойиҳаси билан бирга, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам киритилди. Бу амалиёт тизимли ҳуқуқни қўллаш ҳамда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларига оид қонун ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонун лойиҳалари жорий йилнинг март ойидан бери қуйи палатада кенг муҳокама қилинмоқда. Шу ўринда мазкур қонунлар лойиҳаларининг айрим жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтиш жоиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бир қатор муҳим масалаларни ўзида акс эттирмоқда. Хусусан, қонун лойиҳасида акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акцияларни очиқ ва ёпиқ обуна йўли билан жойлаштириш мумкинлиги назарда тутилмоқда. Бу акциядорлик жамиятлари шаклларини очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятларига ажратишни истисно қилади. Гап шундаки, акциядорлик жамиятлари масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа шаклдаги тижорат ташкилотлари ҳамда очиқ бозорда чекланмаган шахслар ўртасида инвестицияларни жалб қилиш имконияти мавжудлиги билан ажралиб туради. Бироқ амалда ёпиқ акциядорлик жамиятлари кейинчалик қимматли қоғозлар бозорига чиқмаслик мақсадида ташкил этилмоқда. Бу билан амалда ёпиқ акциядорлик жамияти шакли масъулияти чекланган жамиятлари институтини такрорламоқда. Шу боис ҳам акциядорлик жамиятларининг шаклларини очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятларига ажратиш қонун лойиҳасидан чиқариб ташланмоқда.

Қонун лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати, бу акциядорлик жамиятларидаги бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ нормаларнинг ўз ифодасини топганидир. Унга кўра, Кузатув кенгашининг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Кузатув кенгашининг йирик битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини кенгайтирадиган нормалар киритилмоқда. Қонун лойиҳасининг айрим моддалари жамият устав фондининг оширилиши муносабати билан уставга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, жамиятнинг ички назорат органлари ҳисоботини тинглаш бўйича ҳуқуқларини ойдинлаштиришга қаратилган. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасида ягона акциядорга эга бўлган жамиятларда жамият уставига асосан, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатлари Кузатув кенгашига берилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг аҳамиятга молик томонларидан бири, унга миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари ҳақидаги нормаларнинг киритилаётганидир. Миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасида уларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироки механизми, яъни бундай акциядорларнинг манфаатларини ифодаловчи жамият бошқарув органлари тизимида акциядорлар томонидан сайланадиган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига бўйсунувчи миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу қўмитанинг асосий функцияси миноритар акциядорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, улар манфаатларига зид равишда жамият томонидан тузилган битимлар бўйича хулосалар киритишдир. Чунончи, акциядорлик жамияти фаолияти шаффофлигини таъминлаш, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар олишига кенг имконият яратиш мақсадида қонун лойиҳасида акциялари фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари томонидан фонд биржаси сайтида жамиятнинг устави ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини чоп этиши мажбурийлиги кўзда тутилмоқда.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда мазкур қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳалари иккинчи ўқишга тайёрлаш учун жойларда кенг муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходимлари, акциядорлик жамиятлари вакиллари, экспертлар, тадбиркорлар иштирокида махсус ишчи гуруҳи тузилди. Шу билан бир қаторда, қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик ўртасида, манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик жамиятлари, акциядорлар, тадбиркорлар билан биргаликда ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда жойлардан бўладиган барча таклиф ва тавсияларни жамлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда шундай давра суҳбатлари ташкил этилди.

Давра суҳбатларида ушбу қонунлар лойиҳаларининг концептуал асослари атрофлича муҳокама қилинди ва таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди. Иштирокчилар қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда нафақат миллий қонунчилик ва тажриба, балки хориж тажрибаси ҳам ўрганилганини қайд этишди. Ишчи гуруҳи фаолияти ва қонунлар лойиҳалари муҳокамалари маҳаллий ҳамда марказий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган акциядорлик жамиятлари фаолиятини жадаллаштириш, уларнинг, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга кенг имконият яратади.

**Насимжон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси.**

## СЕМИНАР

*Андижон шаҳрида “Меҳр нури” жамғармаси ҳамда “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида фермер аёллар ва тадбиркор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида семинар ўтказилди.*

# Тадбиркор аёллар билан мулоқот

Унда кичик бизнесни янада ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, олис маҳаллалар ва чекка ҳудудларда кичик корхоналарни ташкил этиш, қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришда аёлларнинг ўрни ва роли тобора ортаётгани алоҳида таъкидланди. Тадбиркорликни энди бошлаш истагида бўлган хотин-қизларга маҳорат сабоқлари уюштирилди. Шунингдек, 200 дан зиёд тадбиркор аёллар томонидан тақдим этилган бизнес лойиҳалар ўрганиб чиқилиб, шундан 5 таси ғолиб, деб топилди ва уларга 15 миллион сўмлик грант ажратилди.

Анжуманда тадбиркор аёллар томонидан янги лойиҳаларни амалга оширишда дуч келинаётган баъзи муаммолар ечими борасида ҳам атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мақсад — аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2008 йилда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, ОИТСга қарши курашишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган ягона тизим яратилди. Унинг таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ОИТСга қарши курашиш бўйича республика ва минтақавий марказлари, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси кирди.

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам киритилган. У аввалги Қонундан сезиларли даражада фарқ қилади. Негаки, унда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш учун ҳуқуқий асослар янада кенгайтирилмоқда.

Қонун ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат ягона тизим фаолиятини мувофиқлаштириш, хасталик тарқалишининг олдини олиш, ташхис қўйиш, ОИВни юқтириб олганларнинг бепул махсус даволаниши ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни рўёбга чиқариш, шунингдек, аҳолининг ОИВга бепул, хавфсиз ва махфий тиббий текширувдан ўтишига шароит яратиш, ОИВни юқтириб олганларнинг ҳаётини узайтириш ва сифатини яхшилаш, хасталик оқибатида содир бўладиган ўлим ҳолатларини камайтириш, мазкур инфекция тарқалишига қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш сингари вазифаларни қамраб олади.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги ваколатларини янада аниқ ифодалайди. Қонунда илк маротаба фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни белгиланмоқда. Шубҳасиз, уларнинг аҳоли ўртасида мазкур хавфли хасталикнинг тарқалишига қарши курашиш бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хасталикнинг олдини олиш усуллари, унинг келиб чиқиш омилларидан воқиф бўлиш, шубҳасиз, касаллик тарқалиши олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси, шунингдек, ОИТСга қарши кураш марказларининг вазифа ҳамда ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатлар акс этган нормаларга ҳам алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, унда махсус даволашни бепул амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Қонуннинг алоҳида бўлимида ОИВни юқтириб олганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам ўз аксини топаяпти. Айни пайтда хизмат вазифасини бажараётганда ОИВ инфекцияси юқиши хавфи остида бўлган тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Қолаверса, унда ОИВ инфекциясига қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида мансабдор шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Қисқача айтганда, ушбу Қонуннинг амалиётга жорий этилиши мазкур йўналишдаги тадбирлар учун ҳуқуқий асосларни янада кенгайтиради.

**Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## Наманган вилояти:

# БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ОДИМЛАРИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун энг олис ҳудудларда ҳам пухта ўйланган лойиҳалар асосида, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда қурилаётган уй-жойларга кўзингиз тушади. Янги массивларда муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий инфратузилма объектлари ҳам шакллантирилмоқда: маҳалла гузарлари, супермаркетлар, мактаб, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт майдончалари, стадионлар, сув, газ, электр таъминоти одамлар оғирини енгил қилиб, ҳаётига мазмун киритаяпти. Булар давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори самараларидир.

Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг бўлғуси эгалари уни яшаш учун тайёр ҳолатда қабул қилиб олишади. Оворагарчиликлардан қутулишади. Уйга сарфланган маблағнинг аксарият қисми аҳолига “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади. Ушбу маблағни одамлар 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаб боришади. Халқимиз бундай қулайликдан жуда мамнун.

— Президентимизга минг раҳмат, қишлоқларимизга шундай файз кирдики, шаҳардан сира қолишмайди, — дейди Тўрақўрғон туманидаги “Янги Ахсикент” даҳасида яшовчи педагог Муяссархон Боқихонова. — Уй эмас, нақд кошонанинг ўзгинаси. Шифтлари баланд, пойдевори мустаҳкам. Хоналари кенг ва ёруғ, сув, газ, электр энергияси билан таъминланган. Ҳаммаси худди биз орзу қилгандек. Ҳалигача “Муборак бўлсин” деб меҳмон келади. Хурсанд бўлиб, кутиб оламиз. Ҳовлини айланишади, хоналарни томоша қилишади. “Мен ҳам, албатта, шундай уйдан оламан”, деган ниятда кетганлари қанча. Ҳаммаларига буюрсин, насиб этсин, деймиз.

“Янги Ахсикент”да ҳам турар-жойлар қаторида савдо ва сервис шохобчалари, болалар спорт майдони, мактаб биноси фойдаланишга топширилгани одамларга жуда манзур тушди.

— Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги қарорига мувофиқ, вилоятимизда кейинги уч йил давомида 72 та янги қишлоқ массиви барпо этилиб, 1702 та замонавий уйга эгалари кўчиб киришди, — дейди “Қишлоққурилишинвест” инжиниринг компанияси Наманган вилояти филиали директорининг ўринбосари Абдураҳмон Халилов. — Қурилишига 134 миллиард 829 миллион сўм йўналтирилган бу даҳалар ҳудудида 25,2 километр узунликда йўллар барпо қилиниб, 73,8 километр электр, 52,2 километр табиий газ, 77,3 километр масофада ичимлик суви тармоқлари тортилди.

Азалий орзуларнинг рўёби бўлган бундай замонавий қишлоқлар барча туманларда кўпайиб бормоқда. Яқинда Мингбулоқ, Норин, Поп ва Учқўрғон туманларида ҳам жуда кўп оила ҳовли тўйларини нишонлади. Умуман олганда, жорий йил охирига қадар бинокорлар вилоят бўйича яна 34 та массивда 700 та замонавий уй-жойни ўз эгаларига топширишни режалаштиришган.

Кишига хушкайфият берадиган бунёдкорлик манзаралари айни чоғда вилоятнинг барча ҳудудларини қамраб олган. Масалан, Наманган шаҳридаги бутунлай янгича кўриниш олган Бобур шоҳкўчасида қурилиш ишлари юқори суръатда давом этаяпти, Давлатобод даҳасида енгил саноат йўналишидаги “Дизайн маркази” битиш арафасида, реконструкция қилинаётган “Навбаҳор” марказий стадиони ҳам, ҳадемай, фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, кўплаб тадбиркорлар байрам туҳфаси сифатида замонавий савдо ва маиший хизмат шохобчаларини ишга тушириш тараддудидалар.

## Юксалаётган салоҳият

Албатта, ҳар бир эзгу ишнинг рўёби иқтисодий имкониятлар билан чамбарчас боғлиқ. Наманганда ҳам мазкур соҳанинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замонавий технологияга асосланган янги қувватларни ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасида вилоятда енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик ҳамда металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида катта салоҳият юзага келди.

> — Наманганликларнинг ҳунарга бўлган иштиёқи бу ерда енгил саноат, айниқса, тикувчилик соҳасининг жадал равнақ топишига замин яратди, — дейди вилоят марказидаги “Firdavs tekstile” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мирзоҳид Умаров. — Тадбиркорларнинг катта қисми айни шу йўналишда бизнесини ташкил этиб, бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, Наманганда тикилаётган костюм-шимларни олайлик. Бу либосларни ҳозир республикамизнинг ҳар бир вилоятида яхши билишади, севиб харид қилишади. Улар орасида бизнинг корхонамиз чеварлари қўлидан чиқаётган ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар ҳам борлиги жамоамиз аъзоларида ўзгача фахр туйғуларини уйғотади.

Айтиш керакки, “Firdavs tekstile”нинг истеъмол бозоридаги мавқеи корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли янада кўтарилди. Жумладан, бу ерда 60 миллион сўмлик сармоя эвазига 35 та замонавий тикув машинаси, дазмоллаш ва пресслаш дастгоҳлари ўрнатилганидан сўнг маҳсулот дизайнини ўзгартириш, унинг янги моделларини ўзлаштириш имконияти юзага келди. Эндиликда, асосан, ёшлардан иборат бўлган 52 кишилик меҳнат жамоаси ойига 1200 донадан зиёд костюм-шим, шунингдек, кўп миқдорда пальто, куртка ва болалар кийимлари тайёрламоқда.

Вилоятда “Firdavs tekstile”га ўхшаган корхоналар жуда кўп. Улар фаолияти қўллаб-қувватланаётгани боис истиқболли лойиҳаларга қўл урилиб, янги иш ўринлари яратилаяпти. Экспорт имкониятлари ошиб, хорижий ҳамкорлар билан алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчимиз: 2013 йилда вилоят саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ, олти ой давомида 232 та лойиҳа амалга оширилди. Мазкур йўналишда 21 миллион 926 минг АҚШ долларига тенг маблағ ўзлаштирилди, 3628 та иш жойи вужудга келди. Бу, ўз навбатида, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти хажмининг ўтган йил шу давридагига нисбатан 11,2 фоизга ўсишини таъминлади. Саноат маҳсулотлари тайёрлаш кўрсаткичи эса 12,3 фоизга ўсиб, 729,7 миллиард сўмни ташкил этди.

— Амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ташқи иқтисодий алоқаларга ривожланишнинг муҳим омили сифатида устувор аҳамият қаратилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда, — дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Акрамжон Муродхўжаев. — Айтайлик, 2000 йилда наманганликлар ташқи бозорга 75,3 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот чиқаришган бўлса, 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 119,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 68,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди, хизматлар кўрсатилди. Муҳими, ташқи савдода хом ашё улуши камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми ортмоқда. Корхоналарнинг экспорт қамрови кенгайиб, бугунги кунда 70 дан ортиқ мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилган.

Ишлаб чиқаришнинг ривожи хизмат соҳаси равнақига йўл очади. Вилоятда бу жабҳа йил сайин кенгайиб, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати муттасил ортиб бораётир. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар ва туманлар аҳолисига 475,9 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди ва 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 17,1 фоиз ўсишга эришилди. Йил бошидан буён 939 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди.

## Файзу барака манбаи

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги туб ислоҳотлар Наманган вилоятида ҳам фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириб, ушбу соҳани иқтисодиётнинг таянч устунига айлантирди. Давлат даражасидаги эътибор, соҳага илғор технология ва иш усулларининг кенг жорий этилаётгани фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришдаги салоҳиятини йилдан-йилга оширмоқда. Жумладан, қишлоқ мулкдорлари жорий йил ғалладан мўл ҳосил етиштириб, эл дастурхонининг янада файзли бўлиши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Вилоят бўйича 461 минг тоннадан зиёд ғалла йиғиб олинди. Ҳар гектар ер ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 58,4 центнерни ташкил қилди.

— Ғалла етиштиришга киришган дастлабки йилларимизни яхши эслайман, — дейди Норин туманидаги “Аҳмаджон Алижон ота ўғли” фермер хўжалиги раҳбари А. Охунов. — 1991 йилда ҳар гектар майдондан атиги 29,1 центнердан ҳосил йиғиб олгандик. Ўтган йиллар давомида тажрибамиз анча ошди, соҳада янги иш усуллари жорий этилди, тупроқ иқлимига мос навлар танлаб олинди. Минерал ўғит, ёнилғи мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилаётгани, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашнинг самарали воситаларидан фойдаланилаётгани кўрсаткичларимиз ошишига туртки берди. Мана, бу йил ғалладан 100 центнердан ошириб ҳосил олдик. Бунақаси сира бўлган эмас. Омборларимиз донга тўлди. Жамоамиз аъзоларининг кайфияти чоғ. Бунинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Вилоятда аграр соҳанинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган алоҳида дастур асосида янгидан-янги субъектлар ишга туширилмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан буён қорамоллар боқишга ихтисослаштирилган 66 та, паррандачиликка мўлжалланган 33 та, балиқчиликка ихтисослаштирилган 43 та хўжалик ташкил этилиб, аҳолининг мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга йўналтирилди. Бундан ташқари, Чортоқ туманидаги “Акбар Мубина Амир” МЧЖда йилига 30 тонна сутни, Наманган шаҳридаги “Афруз Камол Наби” МЧЖда 6000 тонна мевани қайта ишлашга мўлжалланган, “Risola oil press” масъулияти чекланган жамиятида 525 тонна омихта ем тайёрлашга ихтисослаштирилган қувватлар ишга туширилди.

Бугун вилоят пахта далалари, боғ-роғларида иш қизғин паллага кирган. Қуёш ҳарорати ва деҳқон меҳнатидан қувват олган экинлардан, ҳадемай, ҳосил йиғиб олинади. Демакки, оилаларга яна ризқ, яна барака инади.

Мухтасар айтганда, Наманган аҳли ҳам энг улуғ, энг азиз айёмимизни муносиб кутиб олиш ҳаракатида. Одамлар юз-кўзида хурсандчилик, ҳаётидан мамнунлик туйғуси акс этиб турибди. Зеро, “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” деган эзгу шиор уларнинг дилидаги изҳорларни яққол ифодалагани айни ҳақиқат.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Тест натижалари эълон қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Пухта билим олган, изланган одам, албатта, ўз мақсадига етишига бугун яна бир карра амин бўлдим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг талабалигига муяссар бўлган қашқадарёлик Лола Эркинова. — Бу йил Китоб академик лицейини тамомлаб, ҳужжатимни мазкур олий таълим муассасасининг Хорижий тил (инглиз тили) ва адабиёти йўналишига топширгандим. Талабалик бахтига эришганимдан жудаям хурсандман. Эндиги ниятим, аъло ўқиб, келгусида Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассис бўлишдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ўтган йилдан бошлаб юртимизда тест жавобларини олий ўқув юртига келмасдан ҳам билиш имконияти яратилган эди. Жорий йилда ҳам бу қўшимча хизмат талабаликка даъвогарлару уларнинг яқинларига қулайлик туғдирмоқда. Хусусан, абитуриентлар тест имтиҳонлари жавоблари билан нафақат ўзлари ҳужжат топширган олий ўқув юртларида махсус ўрнатилган стендлар орқали, балки Давлат тест марказининг интернетдаги расмий сайтидан ёки мобиль телефони ёрдамида 5100 қисқа рақамига SMS-хабар юбориш орқали танишишлари мумкин.

Бугунги ёшлар ўзининг аниқ мақсади, орзу-режалари сари дадил қадам ташлаётган шижоатли йигит-қизлардир. Уларнинг яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилаётгани ҳам келажагимиз эгаларининг ана шундай юксак орзуларига қанот бағишламоқда.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўралганларнинг кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланади. Фуқароларимиз, жумладан, ёшлар Ўзбекистон мустақиллигини бебаҳо неъмат деб билади ва “ўз Ватанининг мустақиллигини ҳеч қачон йўқотишни истамаслиги ва истиқлолни ҳеч нарсага алмашмаслиги”ни қайд этиб, унинг янада равнақ топишига, ўз оиласининг истиқболига ишонади.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ 22 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилгани, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократия принциплари, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари қарор топгани, ижтимоий бозор иқтисодиёти шаклланиб, муваффақиятли фаолият юритаётгани мустақил тараққиётнинг асосий ютуқларига замин бўлмоқда.

ижтимоий мақоми ошганини билдирган, 80 фоиздан ортиғи ўз бизнесини ташкил қилган, фермер бўлган, 70 фоизга яқини зарур билимларга эга бўлган ёки билим даражасини оширган. Иштирокчиларнинг фикрича, айнан мустақиллик уларга бундай ютуқларга эришиш имконини берган.

мустаҳкамланиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самара бераётгани аҳолининг ҳокимият институтларига нисбатан бўлган ишончини таъминламоқда.

Сўровда қатнашганларнинг аксарият кўпчилиги мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган муваффақиятларини юксак баҳолайди. Иқтисодиёт, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия соҳаси, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг жадал ривожланиб бораётгани, фуқароларнинг эркинлиги ва шахсий хавфсизлиги, билим олиш ва тиббий хизматлардан кенг фойдаланиш ҳуқуқлари, атроф-муҳит муҳофазаси таъминланаётганини таъкидлайди. Бу ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар салмоқли натижалар бераётгани, одамлар ҳаётини яхши томонга ўзгартириб, ҳар бир оиланинг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганидан далолат беради.

Сўровда иштирок этганларнинг 90 фоизининг фикрига кўра, Ўзбекистонда тинчлик-барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани, демократик

Мамлакатимиздаги ички сиёсий вазиятни баҳолар экан, жамоатчилик Ўзбекистонда “ижтимоий барқарорлик янада мустаҳкамланмоқда”, “халқимиз ўз келажагига ишонади ва ўзини хотиржам ҳис қилмоқда” деб ҳисоблайди. Сўровда қатнашганларнинг аксарият кўпчилиги (98 фоизи) мамлакатимиз — миллати ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароити таъминланаётган давлат эканидан фахрланади.

Президентимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган жорий йил Давлат дастурининг амалга оширилиши ўзбекистонликлар турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришда яна бир муҳим босқич бўлди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари ҳам бундан яққол далолат беради.

Сўров истиқлол йилларида аксарият аҳолининг (92 фоиздан зиёд) моддий аҳволи, яшаш ва маиший шароити яхшилангани, фаровонлиги кескин ошганини кўрсатди. Сўровда қатнашганларнинг қарийб 90 фоизи ўзи ва оиласининг Сўров иштирокчиларининг 86 фоиздан зиёди мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида таълим нуфузи жиддий равишда ошганини қайд этди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилган туб ижобий ўзгаришлар қаторида одамлар онгу тафаккурида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берган. Сўралганларнинг қарийб 94 фоизи истиқлол йилларида фуқароларнинг қонунлар, инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳурмат қилиш даражаси ошгани, маънавий-ахлоқий қадриятлар мустаҳкамланиб, Ватан тақдири учун шахсий жавобгарлик ҳисси ўсганини таъкидлади.

Фуқароларимизнинг фикрига кўра, Ўзбекистон мустақиллик йилларида юзага келаётган барча қийинчиликларни ишонч билан енгиб ўтиб, ижтимоий-сиёсий модернизация ва иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Буни дунёнинг аксарият давлатлари тараққиётига салбий таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида миллий иқтисодиётимиз изчиллик билан

Мониторинг режимида ўтказилган ушбу ижтимоий тадқиқот Президентимиз Ислом Каримов юритаётган ислоҳотлар сиёсати, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ижобий туб ўзгаришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш жараёнини халқимиз қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Фуқароларимиз мамлакатимизда қарор топган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, давлат, жамият ва шахс манфаатлари мувозанати таъминлангани кўп жиҳатдан мустақилликнинг 22 йили давомида Ўзбекистонни изчил ривожлантириш, унинг халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонишига хизмат қилаётганига ишонади.

Ўзбекистон аҳолиси (99,1 фоиз) Президент Ислом Каримовни мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Ватанимиз олдида турган барча муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш ва мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашнинг асосий кафолати деб ҳисоблайди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида**
**ЎзА мухбири**
**А. ИВАНОВА тайёрлади.**





## ЁАЖ «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚК

*лизинг компанияси*

**аввал «Rahmonov To`ychiboy Rahmonovich» ФХга тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар сотилиши ҳақида эълон қилади:**

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун музлаткич, майдони — 766,00 кв.м.
2. Устахона биноси, умумий майдони — 528,78 кв.м., шундан фойдаланиш майдони — 480,87 кв.м.

**Манзил:**
**Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 132-уй.**

**Кўчмас мулкларни сотиб олиш бўйича тўлиқ маълумотни юқоридаги манзилдан олиш мумкин.**

**Телефон: (+99871) 120-02-02.**

***Масъул шахс — Холтураев Суҳроб.***

1325А/786

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***очиқ танлов савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «KDB BANK O'ZBEKISTAN» ЁАЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йил 29 октябрдаги 19-33/209-сонли хати ва банк бошқаруви мажлиси қарорига асосан, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 369,50 кв.м. бўлган гўзаллик салони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 860 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 18 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк 2013 йил 18 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 25 сентябрь, 2 ва 9 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 25 сентябрдаги савдо учун — 23 сентябрь, 2 октябрдаги савдо учун — 30 сентябрь, 9 октябрдаги савдо учун — 7 октябрь кунлари соат 18.00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1372А/1453

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли «Ўздавзахира» тизимидаги «Имкон» давлат унитар корхонасининг 2013 йил 13 августдаги 45-П-сонли буйруғига асосан хатланган, корхонага тегишли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Хонобод кўчаси, 1-уйда сақланаётган, «Captiva» русумли, давлат рақами 01/104UCA бўлган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 91 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 18 сентябрь куни соат 18.00.

Автомашина 2013 йил 20 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 27 сентябрь ва 4 октябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш 2013 йил 27 сентябрдаги такрорий савдо учун — 25 сентябрь куни соат 18.00, 4 октябрдаги савдо учун — 2 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган автомашина билан корхона вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**

1376А/1452


● Реклама ва эълонлар ●


## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2009 йил 23 декабрдаги 4574-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, Янги ҳаёт қўрғонида жойлашган, «Чан-Чин» ИЧСФга тегишли бўлган, умумий майдони 480,40 кв.м.дан иборат идора биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 326 951 233,13 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 17 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 13 сентябрь куни соат 18.00.

**II.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 21 мартдаги 12-1213/1867-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «Сирдарё МТП» ОАЖдан қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё шаҳри, Озодлик кўчаси, 58-уйда жойлашган, 0007-литердаги, майдони 1574,3 кв.м. бўлган трактор цехи биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 180 425 398 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Боёвут тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боёвутдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасига тегишли, Сирдарё вилояти, Учтурғон маҳалласи, Усмон Носир бўлими ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 35527,0 кв.м., умумий қурилиш майдони 3535,61 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 3481,29 кв.м. бўлган, 0022-литердан иборат фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 513 927 434 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 23 январдаги 1-313/212-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига ўтказилган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий маҳалласи, Амир Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 481,78 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 295,67 кв.м. бўлган, 0020-литердан иборат АЁҚШ мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 246 789 039 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**«Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1374А/1453

EKF electrotechnica
www.elektrotovar.uz

ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании EKF в Узбекистане

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силовые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контакторы (контакторы, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока) и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъемы силовые)
- Корпуса электрощитов и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервопривода)




ОПТОМ И В РОЗНИЦУ

Товар сертифицирован
Лицензия №006196

1047R/620

Тел. (99871) 150-18-81. Факс (99871) 216-77-74. E-mail: marketing.me@mail.ru, info@megaelectro.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


“Ўзбектуризм” Миллий компанияси жамоаси “Отель Регистон” ДУК бош муҳандиси **Ринат Руисович БАЙГИЛЬДИНнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# «МАКСАМ-ЧИРЧИҚ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни Истиқлолимизнинг

**22 йиллиги**

билан табриклайди!



*Сиз, азиз ҳамюртларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди!*

1368А/715


Реклама ўрнида


# «TASH-PET» МЧЖ

жамоаси

бунёдкор халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг

**22 йиллиги**

билан қутлайди!

*Юртимизни осойишталик, фаровонлик ва аҳиллик ҳеч қачон тарк этмасин!*



*Озод диёримиз мусаффо осмони узра ҳуррият қуёши тоабад нур сочиб турсин!*

1367R/659



# «АММОФОС МАКСАМ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

**22 йиллиги**

билан самимий муборакбод этади!

*Сизларга омад, соғлик ва бахт, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайди.*



1382А/718


Эълон


## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 053 830 498 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, Аэропорт, 9 манзилида жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, қурилиш ости майдони 4413,18 кв.м. бўлган автобекат биноси.

***Бошланғич баҳоси — 509 822 194 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2013 йил 4 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 20 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

1375А/1453

*Лицензия: RR-0001.*



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.**
**Навбатчи — С. Махсумов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20** 1 2 3 4 5